

Намозга эътиборли бўлинг!



13:00 / 13.12.2021 2945

Солиҳ салафларимиздан бири Аллоҳ таолонинг: «Эй иймон келтирганлар! Маст ҳолингизда-то айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунингизча, намозга яқинлашманг» оятини эшитди ва шундай деди: «Қанча намозхон бор, ароқ ичмаган, лекин намозида нима деяётганини билмайди. Чунки уни дунё машғулоти маст қилиб қўйган».

Дарҳақиқат, бошқа пайт хаёлимиз чалғимаса ҳам, намозга киришимиз билан дунё фикри, унинг ташвиш ва муаммолари вужудимизни қамраб олади. Намозда эканимизни, унинг зикрларини ва ҳатто ракатларини унутамиз.

Айрим аҳли илм бунинг ечими осон, намозда хушуъ ва қалб ҳузурида бўлиш учун дунё муаммоларини ҳал қилиб, ихлос билан дуолар ўқиб намозни бошлаш керак ва намоз ичида Аллоҳнинг буюклигини ҳис қилиб

туриш керак, дейишади. Бу тавсия ҳеч ҳам бундай манфаат бера олмайди. Балки бу тавсиянинг ўзи битта муаммо.

Чунки қалб ҳам бир идишга ўхшайди. Бир нарса билан тўлса, бошқа нарсани сиғдира олмайди. Дунё муҳаббати билан лиммо-лим қалб, ўзида Аллоҳнинг муҳаббатини, Унинг азамати ва буюклигини ҳис қила олмайди. Бундай улуғ мартабани қозониш учун «Аллоҳ таолони кўриб тургандек ибодат қилиш» мақоми бўлган эҳсон рукнини ўрганиб, амал қилиш лозим. Яъни, мусулмон руҳий тарбия олиши керак.

Буни бутун бошли тасаввуф илми таълим ва тарбия беради. Бу мақомни чала-чулпа тавсиялар билан эмас, солиҳ салафларимизнинг қадам изларига қадамимизни қўйиб юриш билан эришамиз.

Аллоҳ таоло: «Намозни Менинг зикрим учун қойим қилинг»! дейди(Тоҳа сураси, 14-оят). Демак, намозда хушӯ-хузуӯ, ихлос ва Аллоҳнинг ёди билан туришимиз лозим. Бунинг учун тасаввуф ёки руҳий тарбияни ўрганишимиз ва улардаги бор таълимот — Аллоҳнинг розилиги учун яшаш ва Суннатни маҳкам тутишни ҳаёт мақсади қилишимиз керак.

Бу осон иш эмас. Давомли зикр ва доимий мужоҳада (нафсга қарши жиҳод) мўлжалга элтади. Булар қалбдан дунё ташвиши ва муҳаббатини кеткизади, қалб идишини Аллоҳ муҳаббатига бўшатиб беради. Ана шунда банданинг кўнглида Аллоҳ ва Унинг буюклиги гавдаланади, қалбида Унинг маҳобати тарбияланади.

Шунчаки тавсия ва тажрибалар эса муддаони ҳосил қила олмайди.

Мубашшир домла Аҳмад